

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

БОДОМЗОР БОҒЛАРДА, ҚИРЛАРДА БАҲОР

Оҳангаронда ташкил этилган катта байрам сайлидан репортаж



Оҳангарон боғларида бодом гуллади. "Тошкент - Ўш" автойўли бўйида ястанган "Бахман ёр омади" фермер хўжалигига қарашли бодомзорда эрта тонгдан карнай-сурнай садолари янграб, эл-улусни Наврўз шодиёнасига чорлади. "Севимли Наврўз - Тошкент вилоятида" шиори остида ўтказилган халқ сайлида вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларидан вакиллар, кўшни вилоятлардан меҳмонлар йиғилишди. Халқ сайлига кўплаб хорижлик сайёҳларнинг ташриф буюргани уни халқаро фестиваль даражасига кўтарди десак, муболаға бўлмайди. Шу билан бирга, ушбу анжуман вилоятимиз, туманимизнинг туристик салоҳиятини оширишда катта қадам бўлди.



Navrō'z 2019



Бу ҳақда вилоят Кенгаши сессиясида гапирилди

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери бошчилигида парламент куйи палатаси депутатлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари мутахассисларидан ташкил топган Республика ишчи гуруҳи жойларда аҳолига кўрсатилаётган тиббий-санитария сифати ва самардорлигини ошириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, кадрлар таъминотини яхшилаш, санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи ва соғлом овқатланиш маданиятини тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати билан танишмоқда.

ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИДА АҲВОЛ ҚАНДАЙ?



Ишчи гуруҳ 11-13 март кунлари Тошкент вилоятида бўлди. Қонунчилик палатаси депутatlари, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари мутахассислари ҳамда ҳудудий тиббиёт муассасалари шифокорлари хонадонма-хонадон юриб, вазиятни ўрганди. Аниқланган ҳолатлар 13 март куни Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида атрофича муҳокама этилди.

кали касалликларга чалинган 3 минг 756 нафар фуқаро тиббий кўриқдан ўтказилгани, шундан 350 нафарига амбулатор, 107 нафарига туман, 40 нафарига вилоят, 58 нафарига рес-



публика соғлиқни сақлаш муассасаларида даволаниши учун йўланма берилгани таъкидланди. 86 нафар беморда юқори технологик жарроҳлик амалиёти ўтказилгани айтилди.

Парламент куйи палатаси депутатлари иштирокида ҳар бир туманда биттадан МФИ-да ҳудудий бирламчи тиббиёт муассасаси раҳбарининг аҳоли олдидаги ахборотини эшитиш тадбирлари намунали ташкил этилди.

Давоми 2-бетда

Мулоқот

Одамлар билан мулоқот қилиш жойларда кўплаб муаммоларга ечим топишда муҳим омил бўлмоқда. Шу боис, айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўз сайловчилари билан юзма-юз учрашишмоқда, фуқароларни қийнаётган муаммоларнинг ижобий ечим топишига кўмаклашишмоқда.

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Людмила Кошелапова Тошкент туманида бўлиб, ҳудудни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганиб, халқ билан мулоқот қилди.

Учрашувда депутат сайловчиларга "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг" Фаол инвести-

Давоми 2-бетда

МАРДЛИК МАКТАБИНИНГ АЪЛОЧИЛАРИ

Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртида мuddатли ҳарбий хизмат сабоқларини сабот билан ўрганиб, йигитлик бурчини аъло даражада адо этган ўғлонларни тақдирлаш ҳамда тантанали равишда кузатиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда йиғилганлар маросимни ҳаяжон билан кузатишди.

Ватанга хизмат - муқаддас бурч!



Муддатли ҳарбий хизматни ўташ давомида аскарларимиз қалбига ватанпарварлик, юртга ва ҳарбий қасамдга садоқат туйғулари сингдирилди, - дейди билим юрти бош-

лигининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Ақром Шохамов. - Яқуний тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, намунали хизмати билан кулодошларига ўрнатилган ҳамда ўқув йили давомида маънавий-

маърифий ва жисмоний тайёргарликларда яхши кўрсаткичларга эришган аскарлар имтиёзли тавсиянома, фажрий ёрлик ва эсдалик совгалари билан тақдирланди. Бу ўғлон-

Алибек ОМОНТУРДИЕВ, оддий аскар

ТОМОРҚАДАН ТОПИЛГАНИ - ТҮЙГУЛИК,

бировнинг бергани - кўргулик

Мана, она диёримизда навбахорнинг хуш насимлари эса бошлади. Шу муаззам паллаларда табиат уйғониб, атрофга ўз гўзаллигини кўз-кўз қилаяпти. Бундан унумли фойдаланиб қолишни ниёт қилган бободоҳқон энг шимариб, далага уруғ қадашни бошлаб юборди.

Ҳазрат Алишер Навоий бобомиз: "Ерга уруғ сепиш - риққ йўлини очишдир", деганлар. Чиндан ҳам, меҳнат қилган инсон камлик кўрмайди, элда ҳам азизу муқаррам бўлади. Ота-боболаримиз

Дам олиш кунини эрта тонгда отам кўнғироқ қилиб, чақириб қолдилар. Тинчликмикан, дея юрак ҳовучлаб борсам, бошқа ака-укаларим ҳам жамулжам. Бундан баттар хавотирга тушдим. Кейин билсам, дадам бизни ҳашарга чақирган эканлар. Шунга шунчами, арзимаган томорқамиз бўлса, тонг сахардан ваҳима қилиш шартмикан, дея ўзимча норози бўлдим. Хуллас, тўрт ака-ука отам бошчилигида томорқани чопишга киришдик. Янги дарахт кўчатлари ўтқаздик. Отам бизга бош-қош бўлдилар...

Бугуннинг гапи

тонг сахарлаб хонадон томорқаларига кетмон уришгани, ишдан бўш вақтлари ва дам олиш кунларини шу эзгу ишга сафарбар этганлари бежиз эмас. Шу орқали фарзандларини меҳнат қилиб ҳалол ризқ топишга ўргатишган. Зотан, доно халқимиз топиб айтганидек, "Бировнинг бергани - кўргулик, меҳнатдан келгани - тўйгулик".



«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

ФАРМОН ИЖРОСИ УЧУН ҲАМ... ПОРА КЕРАКМИ?

Турмушда бундай ҳолатлар кўп учрайдими? Фармон ижроси учун ҳам... Пора керакми? Бу саволга жавоб берадилар...

Газетамизнинг шу йил 16 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа билан чоп этилган мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 апрелдаги "Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчилик билан қурилган тураржойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлашда вилоятдаги бир қатор ташкилотлар ва маҳаллий ҳокимликлардаги суствашиқлар ҳақида сўз борган эди.

Тахририятта мазкур мақола юзасидан Бекобод тумани ҳокими ўринбосари М. Холжонбоев имзоси билан жавоб мактуби келди.

Хатда айтилишича, мақолада кўрсатиб ўтилган, ўзбошимчилик билан қурилган тураржойга эгаллик ҳуқуқини белгилаш юзасидан келиб тушган аризалар бўйича 143 та қарор туман ҳокими томонидан имзоланган. Бирок, ушбу имзоланган қарорлар электр энергияси тез-тез ўчиши сабабли, тизим ишламай қолганидан туман ҳокимлигида тузилган ишчи гуруҳ аъзолари томонидан электрон шаклга ўз вақтида юқлаб олинмагани қайд этилган.

Мақолада кўрсатилган камчиликлар туман ҳокимлигида ўтказилган йиғилишда муҳокама этилиб, ўз ишига эътиборсизлик қилган комиссия аъзолари қатъий огоҳлантирилди, дейилади мактубда.

Юқоридаги мақолага бошқа ҳудудлар раҳбарлари, унда тилга олинган ташкилот мутасаддилари қандайдир тушуниб бўлмас сукут билан «жавоб» қилишмоқда. Биз улардан ҳам тегишли муносабат кутамиз.

Жорий йилнинг 22 февраль кунин вилоят ҳокимининг "Вилоятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, аҳолининг соғлом овқатланиш бўйича санитария маданиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

фалар этиб белгиланди. Мазкур вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш, шунингдек, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва

да тўғри овқатланиш маданиятини тарғиб қилувчи му- тахассис ва парҳезшунлар мақолалари, шунингдек, кенг жамоатчилик вакилларининг мавзуга доир фикрларини бериб бориш ҳам назарда тутилган.

Шуларни инобатга олиб, қарорда аҳолининг юқори сифатли парҳез маҳсулотлари билан таомланиш кўрсаткичларини ошириш мақсадида вилоят ҳудудида ҳафтанинг ҳар душанба кунини парранда, пайшанба кунини эса балиқ маҳсулотлари истеъмол қилинишини таъминлаш белгиланди.



Соғлом турмуш тарзи тушунчаси – жисмоний фаоллик, зарарли одатлар, яъни гиёҳвандлик, чекиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслик, тўғри овқатланишга амал қилишдир. Дунёдаги етакчи илмий марказларда олиб борилган қузатувлар шунини кўрсатмоқдаки, юқори сифатли ун маҳсулотлари ва ҳайвон ёғидан тайёрланган таомлар ҳамда ширинликларни меъёридан ортиқ истеъмол қилиш юрак қон-томир касалликларини келтириб чиқаради. Сабаби, улар семизлик, қонда холестерин миқдорининг ошиши, қон босимининг кўтарилиши, миокард инфаркти, бош миёга қон қуйилиши, қанди диабет хасталикларини ун асосий "база" ҳисобланади. Шунингдек, ёғли ва углеводга бой таомлар тананда модда алмашинувини бузиб, инсоннинг тез қаришига сабаб бўлади.

Мухтасар айтганда, қарор шунчаки қоғозда қолиб кетмаслиги керак. Тегишли ташкилот ва бошқарма раҳбарлари қарорда белгиланган вазифалар ижросига жиддий қиришишлари лозим. Зеро, тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзига риоя қилиш миллатимиз келажагини белгилайди.

Манзура МУРОДОВА,
вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош диетологи

Муносабат

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, сўнгги йилларда аҳоли ўртасида юрак қон-томир, организмда моддалар алмашинувининг бузилиши, ошқозон-ичак, асаб тизими, суяк, бўғим, мушак ва онкологик касалликларга чалиниш хавфи ортиб бормоқда. Бунга соғлом турмуш тарзининг энг оддий қоидаларига риоя қилмаслик, хусусан, тўғри овқатланиш, таомланиш маданияти ва одобига зид турли зарарли одатларга ўрганиш кабилар сабаб бўлмоқда. Бу ҳолат миллат генафондининг бузилишига бўлган оғир ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Тўғри овқатланиш маданияти

Уни ким қандай тушунади?

Ушбу қарорга биноан, вилоят аҳолиси ўртасида тўғри овқатланишнинг моҳияти, унинг инсон саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашдаги ўрнини тизимли равишда, кенг тарғиб этиш, соғлом овқатланишга доир санитария маданиятини ошириш, шунингдек, тўғри овқатланишнинг натижасида юзага келадиган сурункали касалликларнинг олдини олиш борасида кечиктириб бўлмас тадбирларни амалга ошириш ҳамда вилоят ҳудудида санитария-эпидемиологик вазият барқарорлигини таъминлаш устувор вазифалари шакллантириш мақсадида кенгайтирилган тарғиб-бот-ташвиқот ишларини тизимли олиб бориш бўйича вилоят ишчи гуруҳи ҳам тасдиқланди. Ишчи гуруҳга ҳудудларда фаолият юритиб келаётган умумий овқатланиш шахобчаларида озодликка чорловчи, ноз-неъматларни, хусусан, нонни исроф қилмасликка оид кўргазмалар лавҳалар жойлаштирилишини таъминлаш, вилоят, туман ва шаҳар газеталарида мунтазам равишда "Саломатлик" рўқналарини ташкил этиш ва улар

Маълумки, балиқ ва парранда гўшти оқсил ва витаминларга бойлиги билан ажралиб туради. Хусусан, бу маҳсулотлар инсоннинг фосфор, калий, кальций, темир, магний, йод моддаларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш хусусиятига эга.

Бу маҳсулотларнинг мунтазам истеъмол қилиниши, инсон саломатлигига ижобий таъсир этиб, юрак қон-томир, ошқозон-ичак, суяк-бўғим, ҳатто, онкологик касалликларнинг олдини олишда муҳим ҳисобланади.

Давра суҳбати

Вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг вилоят ҳудудий бўлими маси томонидан "Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлашда вилоят оммавий ахборот воситаларининг ўрни" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Бугуннинг муҳим талаби

Давра суҳбатида бошқарма ходимлари, институтнинг вилоят ҳудудий бўлими маси мутахассислари, вилоят маҳаллий босма ва

муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини самарали ташкил этиш ва ёритишда ОАВнинг роли юзасидан маърузалар тингланди. Бундан ташқари, интернет ва ижтимоий тармоқларда фаолият

электрон оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, фармойиш ҳамда қарорлари ижросини таъминлашда оммавий ахборот воситалари олдида турган вазифалар, аҳоли

юритаётган оммавий ахборот воситалари фаолиятини яхшилаш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Равшан МИРЗАҚУЛОВ
олган суратлар

ЭКСПОРТДАГИ БАЪЗИ ЧЕКЛОВЛАР БЕКОР ҚИЛИНДИ

Ҳукуматнинг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Бу ҳақда "Ҳуқуқий ахборот" канали хабар бермоқда. Қонунчиликка мувофиқ, янги узилган мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз маҳсулотлари, дуккаклилар, қуритилган сабзавот ва меваларни экспорт қилишда 20 минг АҚШ долларидан ортиқ суммадаги маҳсулотлар экспорт контракт асосида экспорт қилиниши лозим эди. Киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, мазкур чеклов бекор қилинди. Яъни, ушбу тоифадаги маҳсулотларни экспорт қилувчилар тегишли тўлов келиб тушгандан кейин экспортни экспорт контрактисиз инвойс асосида амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлди.

Наврўз байрами муносабати билан:

Ҳафтасига беш кун ишловчи ходимларга куйидаги кунлар дам олиш кунини ҳисобланади: 21 март – пайшанба (Наврўз байрами); 22 март – жума (қўшимча дам олиш кунини); 23 март – шанба; 24 март – яқшанба. Ҳафтасига олти кун ишловчилар учун: 21 март – пайшанба (Наврўз байрами); 22 март – жума (қўшимча дам олиш кунини); 24 март – яқшанба. P.S: ҳафтасига олти кун ишловчилар 23 март (шанба) кунини ишга чиқишлари лозим.

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Бундан ташқари, Л. Каше- лапова ҳудудда тадбиркорлик фаолияти ривожлантирилиши, тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш, имтиёзли кредитлар ажратилишини ҳам ўрганди.

Шунингдек, депутат ҳудудда меҳнат, бандлик муносабатлари, меҳнат бозоридagi аҳвол, пенсия таъминоти, ижтимоий нафақалар тўланиши аҳоли билан яқиндан танишди.

Депутат нафақат жойларда учраётган камчиликларни аниқлаш, айти пайтда уларнинг сабабларини таҳлил



◀ Бошланғич 1-бета

этиш ва ечимини топиш мақсадида тумандаги "Ободлик", "Ҳасанбой гузар" ва яна бир қатор маҳаллардаги 200 га яқин хонадон аъзолари билан суҳбатлар ўтказиб, 15 дан ортиқ муаммо масалаларни кўриб чиқди. Аниқланган муаммоларнинг айримлари жойида, баъзилари "йўл хариталари"га киритилиши билан ечим топди. Қолганлари тегишли вазирлик ва идора- ларга белгиланган тартибда ҳавола қилиниши тушунтирилди.

◀ Бошланғич 1-бета

Урганишлар чоғида аҳолининг тиббий хизматлар билан таъминланганини даражаси, хусусан, Ҳасанбойдаги Вилоят болалар сил касалликлари сўхатгоҳи, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари томонидан кўрсатилаётган амбулатор ҳамда патронаж хизмати ҳолати ҳам депутат эътиборидан четда қолмади. Таҳлил натижалари туман кенгаши депутатлари ва фаоллар иштирокида атроф- лича муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди, чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Имконият кўп, хоҳиш бўлса бас

Дўппини бошдан олиб, бир мулоҳаза қилиб кўрайлик. Бугун томорқачилик давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада аҳолига қўмақла-

Шундай экан, енг шимариб, ақл билан иш юритиш, бебаҳо бойлик саналган томорқадан умумий фойдаланиш лозим. Зеро, бугун осмондан чалпақ ёғишини кутиб яшайдиган пайт эмас. Бир парча еримиз бўлса ҳам, унга қўпроқ фойда келтирадиган, мўл ва харидоргир экинлардан экайлик.

ТОМОРҚАДАН ТОПИЛГАН – ТҲЙГУЛИК, бировнинг бергани – кўргулик

То- морқа мақсадида барча ҳудудларда "То- морқа хизмати" қорхоналари фаолияти йўлга қўйилган. Улар орқали томорқалар учун қўчат, минерал ўғит, кимёвий препаратлар етказиб бериш, ҳатто механизация ҳамда бошқа сервис хизматлари кўрсатиш бўйича тизим яратилган. Вилоятимиз бўйлаб кенг қулоч ёзаётган яна бир эзгу ташаббусдан хабарингиз борми? Эндиликда кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар учун бепул уруғлик ва қўчатлар етказиб берилмоқда. Бунинг учун етарли маблағ ва ресурслар захи- ралари тахт қилиб қўйилган. Буларнинг бари халқимизнинг фаровон ва тўқ яшаши учун. Юртимизда озик-овқат хавфсизлигини таъминлаб, хориж маҳсулотларига кўз тик- масдан, экспортни кўпайтириш, да- ромадни ошириш, аҳолини янада бой қилиш айнан мана шу омил- ларга боғлиқ. Сизу биздан ҳафса- ла бўлса бас.

Эрта баҳор – ганимат меҳмон. Кўз очиб, юмгунча ўтиб кетади. Ниҳол қадаш, уруғ селиш ишлари узоғи билан ўттиз кундан ошмайди. Эрта экканимиз – улгурганимиз. Акси бўлса, қуруқ қўл билан қолаemis, олтинга тенг имконият- ни бой берамиз. Энг ёмони, ер- нинг умри зое кетади. Уволнинг эса жавоби бор! Менинг томорқамдаги ҳосил билан бозор тўлиб қолармиди, деб ўйла- манг. "Тома-тома қўл бўлур". Тоғдек барака хирмонлари ҳам аслида мис- қоллардан яралади. Қолаверса, ҳар йили икки-уч сотих ердан 18-20 мил- ринг. Фарзанду аржумандларни ёнин- гизга олинг. Оилангизни фаровон, дастурхонингизни тўкин қилишни бугундан бошланг. Унутманг, кетмони занглаган хона- донда барака бўлмайди!

Тахлиллар натижасида, вилоятда тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базаси, дори воситалари ва тиббий буюмлар таъминоти яхшилангани, шунингдек, тиббиёт ходимларининг масъулияти ошгани, тиббиёт муассасалари аҳолига яқинлаштирилгани туфайли бир қатор ижобий натижа- ларга эришилгани аниқлан- ди.

Вилоят аҳолиси билан ўтказилган юзма-юз суҳбат- лар давомида шошилнч тез ёрдам, хусусан, тез тиб- бий ёрдам кўрсатиш иш- лари ҳам бирмунча яхшилан- гани эътироф этилди.

Тиббиёт муассасалари биноларини қуриш, рекон-

ва гемодиализ бўлимлари ташкил этилган. Натижада, 2017 йилда 19 та "Сунъий буйрак" аппарати билан бе- морларга гемодиализ муо- лажалари бажарилган бўлса, айни кунда вилоят бўйича жами 40 та сунъий аппарат ҳисобда турадиган 430 на- фар беморга гемодиализ хизматини кўрсатади. 2017 йилда ҳар бир беморга ге- модиализ муолажалари 2- 2,5 соатдан бажарилган бўлса, ҳозирги кунга келиб, 3-3,5 соатдан амалга оши- рилмоқда. Бунинг натижаси- да мўлажа тиббий шифо.

Сессияда алоҳида таъ- қидланганидек, аҳолининг саломатлигини мустаҳкам- лаш, касалланиш кўрсаткич-

ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИНИНГ АҲВОЛИ ҚАНДАЙ?



ларини камайтириш йўлида амалга ошири- лаётган чораларга қа- рамай, нафас олиш, қон ва қон яратувчи аъзолар ҳамда овқат ҳазм қилиш билан боғлиқ хасталиклар кўрсат- кичи юқорилигича қолмоқ- да. Шу билан бирга, тизим- даги мавжуд тиббий техни- ка, асбоб-ускуналарни янги- лаш ва замонавий жиҳозлар билан тўлдириш зарурати мавжудлиги қайд этилди.

2018 йил Тошкент вилоят- ти силга қарши кураш дис- пансеридида фтизиатрия йўналиши бўйича Респуб- лика миқсидида бажариладиган жами 20 хилдаги жарроҳлик амалиётлари ўтказилган. Жумладан, умуртқа поғона- си, чанок-сон ва тизза бўғимларида 9 турдаги 17 та жарроҳлик амалиёти, ўпка- да 6 турдаги жами 37 та, урологик ва абдоминал сил касалликларида ҳаммаси бўлиб 72 та жарроҳлик ама- лиёти бажарилган.

2018 йилда вилоят Онко- логия диспансеридида 6 тур- даги юқори технологияли замонавий услубда ўткази- ладиган операцияларни амалга ошириш йўлга қўйилган. Шу даврда жами 314 та юқори технологияли замонавий услубда ўткази- ладиган операциялар бажарилгани сабабли, бемор- ларни Республика онколо- гия марказига юборишга ҳо- жат қолмаган.

Соғлиқни сақлаш вазир- лиги Тошкент вилояти учун 10 донна сунъий буйрак ап- парати ажратди. Улардан 2 доннаси вилоят кўп тармоқ- ли тиббиёт маркази ге- модиализ бўлимига, 3 доннаси Олмалик шаҳар тиббиёт бирлашмасига ва 5 доннаси Бекобод шаҳар тиббиёт бирлашмасига ўрнатилди. Аҳолига гемодиализ хизма- тини кўрсатиш сифатини янада ошириш мақсадида, Олмалик ва Бекобод шаҳар тиббиёт бирлашмалари тар- кибида алоҳида нефрология

Урганишлар жараёнида кадрлар таъминоти ва сало- хиёти масаласига ҳам ало- ҳида эътибор қаратилиб, бугунги кунда тизимдаги тиббиёт муассасаларининг кадрлар билан таъминоти 89,8 фоизни ташкил қилиши аниқланди.

Сессияда Халқ депутатла- ри вилоят Кенгаши депутат- лари Республика ишчи гуру- хининг ўрганишлари даво- мида аниқланган камчилик- ларнинг келиб чиқишига са- баб бўлган омилларни аниқ- лаш ҳамда келгусида йўл қўйилмаслиги чораларини кўриш масалаларини муҳо- кама қилдилар.

Вилоятда аҳолига кўрсат- илаётган тиббий-санита- рия ёрдами сифат ва сама- радорлигини ошириш, му- ассадлар моддий-техника базасини янада мустаҳкам- лаш, кадрлар таъминоти ва салоҳиятини ошириш, сана- тария-эпидемиологик бар- қарорликни таъминлаш ҳам- да хусусий секторни ривож- лантириш чораларини бел- гилаш масалалари юзаси- дан ишлаб чиқилган чора- тадбирлар дастури атроф- лича муҳокама этилиб, тас- диқланди.

Мазкур дастурда белги- ланган вазифалар ижроси- нинг ўз вақтида ва сифатли таъминланиши устидан де- путатлик назоратини қатъий ўрнатишга келишиб олинди.

◀ Бошланғич 1-бета

◀ Бошланғич 1-бета

лион сўмдан соф фойда кўраётган томорқа эгаларининг ғайрат ва ши- жоати, омиқкорлиги барчамизга ўрнак бўлмоғи керак. Томорқасини яшнатиб, иморат қураётганлар, машина олаёт- ганлар, тўй-томоша қилиб, оруз-ҳавас кўраётганлар оз дейсизми, орамизда? Шундай экан, ҳозирок енг шима-



...Кеч тушиб, атроф қоронғилашгач, ишимизни аранг яқунла- дик. Анча пайт жисмоний меҳнат қилмаганим панд берди. То- лиқдим. Қўлларим қаварди. Уйга қайтапману отанинг томор- қа баҳона биз жигарларни ўша ёшлигимиздагидек ҳамжиҳат- ликда меҳнат қилишимизни соғинганини англадим. Ҳа, бир кўрпа остида талашиб-тортишиб, катта бўлган ака-укалар билан очик ҳавода меҳнат қилишнинг гашти бошқача бўлади-да.

Ғулномжон МИРАҲМЕДОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Реклама ва эълонлар

QISHLOQQURILISHBANK

АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Сизнинг бизнес гоингизни амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида халқаро молия институтлари ва хорижий нуфузли банклар кредит линияларини таклиф қилади.

Бунинг учун Сиздан лойиҳанинг асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар билан Бош банкда ташкил этилган Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни бошқариш Марказига ёки Марказнинг минтақавий филиалларида жойлашган бўлимларига мурожаат қилишингиз сўралади.



«Commerzbank AG» (Германия)

- Кредит маблағлари Германия ва ОЭСРга аъзо бошқа давлатларда ишлаб чиқарилган техника ва технологияларни харид қилишга йўналтирилади
- Кредитнинг энг кам миқдори 1 000 000,0 ЕВРО эквивалентини ташкил этиши лозим
- Кредит маблағлари ҳисобидан Импорт шартноманинг 85% ва Экспортни сўзурталаши агентлиги (ЭСА) харажатлари тўлаб берилиши мумкин
- Лойиҳадан келиб чиққан ҳолда 8,5 йилгача бўлган муддатга ажратилиши мумкин
- Кредит бўйича фойз ставкаси 6 ойлик Еврибор / Либор + 2,0 % + банк устамаси миқдорида (яъни сўзурта харажатларини инобатга олган ҳолда Европа 6,0-7,0 % ва АКШ долларлари эса 9,0-10,0 %ни ташкил этади)

«KfW IPEX-Bank» (Германия)

- Кредит маблағлари Германия ва Европа иттифоқига аъзо бошқа давлатларда ишлаб чиқарилган техника ва технологияларни харид қилишга йўналтирилади
- Кредитнинг энг кам миқдори 3 000 000,0 ЕВРО эквивалентини ташкил этиши лозим
- Кредит маблағлари ҳисобидан Импорт шартноманинг 85% ва Экспортни сўзурталаши агентлиги (ЭСА) харажатлари тўлаб берилиши мумкин
- Лойиҳадан келиб чиққан ҳолда 10 йилгача бўлган муддатга ажратилиши мумкин
- Кредит бўйича фойз ставкаси 6 ойлик Еврибор / Либор + 2,0 % + банк устамаси миқдорида (яъни сўзурта харажатларини инобатга олган ҳолда Европа 6,0-7,0 % ва АКШ долларлари эса 9,0-10,0 %ни ташкил этади)

Хитойнинг Саноат ва тижорат банки



- Кредит маблағлари Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган техника ва технологияларни харид қилишга йўналтирилади
- Кредитнинг энг кам миқдори 10 000 000,0 АКШ долларини ташкил этиши лозим
- Кредит маблағлари ҳисобидан Импорт шартноманинг 85% ва Экспортни сўзурталаши агентлиги (ЭСА) харажатлари тўлаб берилиши мумкин
- Лойиҳадан келиб чиққан ҳолда 10 йилгача бўлган муддатга ажратилиши мумкин
- Кредит бўйича фойз ставкаси 6 ойлик Либор + 3,5 % + банк устамаси миқдорида (яъни сўзурта харажатларини инобатга олган ҳолда 9,0-10,0 %ни ташкил этади)

Хитойнинг Экспорт-импорт банки



- Кредит маблағларининг Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган товар, техника ва технологияларни харид қилишга йўналтирилади
- Кредитнинг энг кам миқдори 100 000,0 АКШ долларини ташкил этиши лозим
- Импорт шартнома доирасида кредит маблағларининг камида 50% қисми Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга йўналтирилади
- Лойиҳадан келиб чиққан ҳолда 5 йилгача бўлган муддатга ажратилиши мумкин
- Кредит бўйича фойз ставкаси 6 ойлик Либор + 4,0 % + банк устамаси миқдорида (яъни 8,0-10,0 %ни ташкил этади)

Сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш

- Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси маблағлари ҳисобидан Жиззах ва Қашқадарь вилоятларидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратилади
- Кредит линия маблағлари Жиззах ва Қашқадарь вилоятларида сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш секторига қўшимча қиймат занжирини ривожлантиришга йўналтирилади
- Лойиҳа мақсадидан келиб чиққан ҳолда кредитнинг максимал миқдори куйидагича:
 - деҳқон хўжалиқларида юқори маҳсулдорликка эга зотдор вайрак шохли қорамоллар ва ускуналарни харид қилиш учун – 10 000,0 АКШ долларлари;
 - фермер хўжалиқларида ем-ҳашак экинларини йиғини техникаларини сотиб олиш учун – 100 000,0 АКШ долларлари;
 - ишлаб чиқарувчи ва сервис хизматлари кўрсатувчи хўжалик юртурувчи субъектларга ветеринария ва зоотехника хизматлари ташкил этиши, шунингдек, ем маҳсулотлари тайёрлаш мақсадига – 100 000,0 АКШ долларлари;
 - сут маҳсулотларини қайта ишловчи хўжалик юртурувчи субъектларга янги технологик ускуналар сотиб олиш учун – 250 000,0 АКШ долларлари
- Лойиҳадан келиб чиққан ҳолда 5 йилгача бўлган муддатга ажратилиши мумкин
- Кредит бўйича фойз ставкаси йиллик 4,9 %ни ташкил этади

Телефонлар: (+998 78) 150-93-39, 150-76-42.

www.qqb.uz

«CAPITAL TRUST INVEST» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Очик аукцион савдосига 1. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2018 йил 6 июлдаги 515-сонли қарори ва «Янги Ангрен ИЭС» АЖнинг 13.03.2018 йилдаги №24/667-сонли буюртманомасига асосан «Янги Ангрен ИЭС» АЖ балансида бўлган Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани: 1. Ўзбекистон ҚФЙ, «Булоқ» маҳалласида 3,67 Га ер майдонида жойлашган умумий ички қурилиш майдони 907,10 кв.м., бошланғич нархи – 2 096 979 022 сўм бўлган «Чашма» дам олиш оромгоҳи. 2. Ўзбекистон ҚФЙ, «Булоқ» маҳалласида 0,07 Га ер майдонида жойлашган умумий ички қурилиш майдони 325,45 кв.м., бошланғич нархи – 126 443 845 сўм бўлган Нон ишлаб чиқариш чеҳи бино ва иншоотлари. 3. Ёнариқ ҚФЙда 0,68 Га ер майдонида жойлашган умумий ички қурилиш майдони 927,68 кв.м., бошланғич нархи – 673 000 837 сўм бўлган музлаткич бино ва иншоотлари. 4. Ёнариқ ҚФЙда 2,24 Га ер майдонида жойлашган умумий ички қурилиш майдони 3 283,23 кв.м., бошланғич нархи – 2 506 202 287 сўм бўлган омборхона бино ва иншоотлари. II. АТ «Халқ банки» Оққўрғон филиалининг 13.03.2019 йилдаги №1-сонли буюртманомасига асосан ўз тасарруфида бўлган Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Гулистон массивида жойлашган умумий майдони 99,75 кв.м., бошланғич нархи – 24 319 400 сўм бўлган шахобча биноси. III. АТ «Халқ банки» Қуйи Чирчиқ филиалининг

12.03.2019 йилдаги №09/51-сонли буюртманомасига асосан ўз тасарруфида бўлган Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани, Кетмонтепа ҚФЙ, «Мингчир» маҳалласида жойлашган умумий майдони 82,56 кв.м., бошланғич нархи – 28 150 000 сўм бўлган 5-сонли шахобча биноси. IV. АТ «Халқ банки» Юқори Чирчиқ филиалининг 14.03.2019 йилдаги №09-04/43-сонли буюртманомасига асосан ўз тасарруфида бўлган Тошкент вилояти, Юқори чирчиқ тумани, Янгибозор қўрғони, Мустақиллик кўчаси, 44-уй манзилида 972 кв.м. ер участкасида жойлашган, умумий майдони 891,48 кв.м., бошланғич нархи – 1 750 000 000 сўм бўлган банкнинг эски маъмурий биноси такроран қўйилмоқда. Аукцион савдолари 2019 йил 1 апрель кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй манзилида бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулк 2019 йил 1 апрель кунини сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2019 йил 15, 30 апрель ва 15, 30 май кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли банк вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосига қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган зақалат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт: – юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда; – жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, ваколатли вакил катнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда; Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси санасидан бир иш кунини олдин соат 16.00 да тўхтатилади. Савдо фолибига аукцион савдоси натижалари бўйича фолибик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 10 банк кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзоланган мажбуриятга юклатилади. Зақалат пулини тўлаш учун реквизитлар: «CAPITAL TRUST INVEST» МЧЖнинг АТ «Халқбанк» Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: Х/р: 20208000100757166001, МФО 01132, СТИР 304 802 952. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй. Телефон: +998-71-236-25-53. www.capitaltrust.uz Лицензия RR – 0298.

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК

Тошкент филиали

Тошкент вилояти ҳудудидаги ҳозирда ишлаб чиқаришда фойдаланилмаётган қуйидаги объектларни ўрнатилган тартибда ижарага беради:

1. "Қарабау" объекти – Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Қарабау қишлоғи ҳудудида жойлашган. Умумий майдони 294,96 кв.м.
2. "Қорахитой" объекти – Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Қорахитой ҚФЙ ҳудудида жойлашган. Умумий майдони 73,49 кв.м.
3. "Азаматов" объекти – Тошкент вилояти, Бўка тумани, "Бешкапа" МФЙ, Бешкапа кўчасида жойлашган. Умумий майдони 19,22 кв.м.
4. "Бўстон" объекти – Тошкент вилояти, Бўка тумани, "Бўстон" МФЙ, Марказий қўрғон кўчасида жойлашган. Умумий майдони 19,22 кв.м.
5. "Ўзбекистон" объекти – Тошкент вилояти, Бўка тумани, "Катта раво" МФЙ, Т. Юсупов кўчасида жойлашган. Умумий майдони 16,91 кв.м.
6. "Оққўрғон" объекти – Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Оққўрғон массиви, Ҳамзаобод маҳалласи ҳудудида жойлашган. Умумий майдони 56,52 кв.м.
7. "Ўзбекистон" объекти – Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Зарбдор ҚФЙ, Ўзбекистон массиви, А. Навоий номли маҳалла ҳудудида жойлашган. Умумий майдони 58,03 кв.м.
8. "Омборхона" объекти – Тошкент вилояти, Пискент тумани, Пискент қўрғони, А.Темур кўчаси, 103-уйда жойлашган. Умумий майдони 212,96 кв.м.
9. "Саксонота" объекти – Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Саксонота ҚФЙ, Саксонота қишлоғида жойлашган. Умумий майдони 32,0 кв.м.
10. "Навоий" объекти – Тошкент вилояти, Пискент тумани, Навоий ф/х ҳудудида жойлашган. Умумий майдони 24,57 кв.м.
11. "Ўзбекистон" объекти – Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Кўтарма ҚФЙ ҳудудида жойлашган. Умумий майдони 15,33 кв.м.

Талабгорлар мазкур объектлар ҳолатини филиал вакиллари билан биргалликда манзилга чиқиб, кўришлари мумкин.

Батафсил маълумотларни (71) 259-70-15, (71) 259-70-19 телефон рақамлари орқали ҳамда Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Нурафшон шаҳри, Бобур кўчаси, 84-уй манзилида жойлашган "Ўзбектелеком" АК Тошкент филиали бош офисидан олиш мумкин.

«QUSHBEGI-KREDIT» МЧЖ

Хизматлар МБнинг 2018 йил 16 июндаги 88-сонли лицензияси асосида лицензияланган Юридик манзил: 100022, Ташкент ш., Яккасарой тумани, "Қушбеги" мавзеси, 3-уй, 42-хонадон. Жамиятнинг 2018 йилги бухгалтерия баланси

№	Актив	Йил бошига		Пассив	Йил бошига	
		бошига	охирига		бошига	охирига
1	Асосий воситалар			Устав капитал	12 200	500 000
2	Узоқ муддатли инвестициялар			Қўшилган капитал		
3	Капитал қўйилмалар			Резерв капитал		
4	Товар-моддий захиралари			Таксимланмаган фойда	- 13 553	- 25 870
5	Дебиторлар		22 209	Мақсадли тушум ва фондлар		
6	Пул маблағлари	1 238	264 923	Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар		
7	Қисқа муддатли инвестициялар	0	190 475	Узоқ муддатли мажбуриятлар		
8				Жорий мажбуриятлар	2 591	3 477
	Жами, активлар	1 238	477 607	Жами, пассив	1 238	477 607

Жамиятнинг 2018 йилги молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи (минг сўмда)

Кўрсаткичлар номи	Даромад	Харажат
Маҳсулот сотишдан тушган соф тушум	46268,0	0
Сотилган маҳсулотлар таннархи	0	0
Маҳсулот сотишдан тушган ялпи фойда	46268,0	
Давр харажатлари, жами:	-	70 201
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	11 578	
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами	46 268	
Фоишлар шаклидаги харажатлар		0,0
Даромад солиғи тўлашга қадар фойда		
Даромад (фойда) солиқ		
Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар		
Ҳисобот даврида корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда (зарар)		12 355

Жамиятнинг 2018 йилги молиявий-ҳўжалик фаолияти ақнулари шаклидаги "TRANS-AUDIT-A" аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилган.

Ўрта Чирчиқ тумани 5-умумтаълим мактаби томонидан 2005 йилда Хайтбаева Мархаб Пардабевна номига берилган О'Р-Ш № 0207490-сонли шаходатнома ҳамда 1-Тошкент педагогика коллежи томонидан 2007 йилда берилган рўйхат рақами К № 271670 дипломининг иловаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"Сувсоз" ДУК қошидаги "MUSAFFO OBI HAYOT" МЧЖ Тошкент вилоятининг Қибрай, Тошкент ва Зангиота туманларида шаҳар ичимлик сувидан истеъмол қилаётган абонентларга 2019 йил 1 апрелдан бошлаб, қуйидаги янги нархлар жорий этилганини маълум қилади:

Аҳоли учун:
Ичимлик суви – 1 куб. м. 365,00 сўм
Оқова хизмати – 1 куб. м. 239,00 сўм
Бюджет корхоналар учун:
Ичимлик суви – 1 куб. м. (+20 % ҚҚС) 415,00 сўм
Оқова хизмати – 1 куб. м. (+20 % ҚҚС) 251,00 сўм

Бошқа улгуржи истеъмолчилар учун:
Ичимлик суви – 1 куб. м. (+20 % ҚҚС) 365,00 сўм
Оқова хизмати – 1 куб. м. (+20 % ҚҚС) 239,00 сўм

Юридик корхоналар учун:
Ичимлик суви – 1 куб. м. (+20 % ҚҚС) 1248,00 сўм
Оқова хизмати – 1 куб. м. (+20 % ҚҚС) 510,00 сўм.


ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 16 март кунини Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда эсаётган шамол айрим жойларда секундига 15-20 метргача кучайиши мумкин. Кечаси 7-12, кундузи 18-23 даража илик бўлади. Республиканинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Қор қўшиши хавфи бор. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда эсаётган шамол айрим жойларда секундига 15-20 метргача кучайиши мумкин. Кечаси 0-5, кундузи 10-15 даража илик бўлади.



ёрлаган "тандир" у паркентликларнинг кўк сомсаси билан байрам дастурхони янада тўкин бўлди.
Сўрида савлат тўкиб ўтириб, халқона ўланларни берилиб тинглаётган оқ шоҳи рўмолли онахонлар Ангрэн шаҳридан келишибди.
— Оппоқ гулга бурканган бодомзор, табиат гўзаллиги кўнглимизни янада яйратди, — дейди кўктераклик Соҳиба ая Усмонова. — Наврўз сай-

ли-туман варраклар кўк юзида рақс тушяпти. Толпоқ таққан қизлар арғимчоқ учиб, лапар-ўлан куйлашяпти.
Халқ сайлига ташриф буюрган барча иштирокчилар тўйга тўёна билан келишган. Олмалиқ шаҳар "Навбахор" фольклор жамоасининг "Келинсалом" ида никоҳ тўйи билан боғлиқ қадриятлар акс этади. Оҳангарон туманининг "Санам" маҳалласилик



— Неча минг йиллик тарихга эга қадимий ва ардоқли Наврўз айёмининг ёшларни юртга муҳаббат, умрбоқий анъана ва қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашдаги ўрни бекиёс, — дейди чинозлик инглиз тили фани ўқитувчиси Ҳасан Олимов. — Ёш авлодга эзгу қадриятларни сингдираётган, уларга ҳам таълим, ҳам тарбия бераётган устоз педагоглар, касбдошлар, барча юртдошларимизни яшариш, янгиланиш айёми билан кутлайман.

Оҳангарон шаҳридаги болалар мусиқа ва санъат мактабининг ижодкор ўқувчилари сайилгоҳга расм-полотноларини ўрнатиб олиб, аллақачон Наврўз манзараларини тасвирлашни бошлаб юборишди.
"Оҳангарон олтин қанот" МЧЖ ўтовлари халқ сайлига ўзгача кўрк бериб турибди. Байрам кўргазмасида иштирок этаётган "Оҳангарон Рустам агро" МЧЖнинг асаларичилик мутахассиси Хамидулла Йўлдошевнинг таъкидлашича, асаларилар икки ҳафта ичида бодомзордан шира йиғиб, гуллари чанглашади.

Дарҳақиқат, Наврўзда бутун борлиқ уйғонади, ҳаракатга тушади. Янги режалар тузилади, янги меҳнат доволари сари йўл бошланади.

Райҳон САЛАЕВА
Равшан МИРЗАКУЛОВ
олган суратлар

БОДОМЗОР БОҒЛАРДА, ҚИРЛАРДА БАҲОР

Кўтаринки руҳда бошланган сайилдаги манзара жуда ажойиб. Барча йиғилганлар "Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам, қадиминг кутлуғ бўлсин! Юртимиздаги тинчлик, омонликка кўз тегмасин!" деб кутлуғ айёмга пешвоз чиқишмоқда.

Қадимий ва хайрли Наврўзга хос миллий урф-ода ту қадриятлар, халқона ўлану лапарлар, ёр-ёру айтишувлар, халқ ўйинлари мужассам бўлган халқ сайли ёшу қарини даврага чорлади. "Янгиобод" маҳалласи хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассиси Ҳикматой Асқарова бошчилигида сумалак тайёрлаган оҳангаронлик онахонлар "Омонлик-сомонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик", "Ет-



казганига шукр" дея, баҳорий шоҳ таомни меҳмонларга улашишди.

Қибрайдаги "Нафис" тўйхонаси ошпази Азиза Йўлдошева косаларга моҳора сузиб, элга тортиқ қилди. Кувватбахш ҳалим ҳам Наврўз дастурхонининг кўрки. Илик узилди фаслда танга дармон бўлувчи таомдан тотиб кўрган борки, ёш ошпаз Жалолитдин Нуриддиннинг маҳоратига таҳсинлар айтишди. Бўстонликнинг моҳир ошпазлари тай-

ли жуда ажойиб ўтапти. Илоҳим, юртимизга, тинчлигимизга кўз тегмасин. Ҳар кунимиз байрам бўлсин.

Бир томонда дорбозлар ўз маҳоратларини намойиш этишмоқда, бир ёнда эса билаги зўр полвонлар кураш тушишяпти. "Курама" халқ-этнографик жамоасининг жўшқин лапарни майдонга тушган полвонларга куч берапти:

Ҳа полвон, ҳа полвон,
Чорлар курашга майдон.
Болажонлар учирган тур-

Бувиойша Алматова бош бўлган "Наврўз" дастаси онахонлари ижросидаги ўланлар ҳам дилга ҳузур беради. Юқори Чирчиқ тумани маданият уйига қарашли "Наврўз" халқ қозоқ фольклор дастаси, "Бом Барам" ("Баҳор шамоли") корейс фольклор жамоаси томонидан тақдим этилган куй-қўшиқлар, шунингдек, пойтахтдан ташриф буюрган таниқли санъаткорларнинг чиқишлари сайилга келганларга баҳорий кайфият улашди.

МАҚСАДИМИЗ — САРСОН ҚИЛИШ ЭМАС, ОСОН ҚИЛИШ

Жорий йилнинг "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" деб номланиши миллий иқтисодийнинг барқарор ўсиши, ҳудудларга инвестицияларни жалб қилиш, аҳоли ўртасида тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишни максимал даражада фаоллаштириш каби вазифаларни кун тартибига олиб чиқди. Уларни ҳал қилишнинг асосий шартни кулай ишбилармонлик муҳитини яратишдир.

□ Кулайлик

Президентимизнинг "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини тақомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг махсус автоматлаштирилган тизими яратилди. Эндиликда улар давлат хизматлари маркази орқали 30 дақиқа ичида, шунингдек, онлайн тарзда интернет орқали рўйхатдан ўтишлари учун имкон яралди.

Бундан ташқари, фуқароларнинг электрон хизматлардан фойдаланишини кўллаб-қувватлаш мақсадида рўйхатдан ўтиш учун белгиланган давлат божининг тенг ярмини тўлаш амалиёти жорий этилди. Аммо, тадбиркорлар тезкор ва қулай рўйхатдан ўтганлари билан ўз фаолиятларини тўлақонли равишда бошлаш олдидан. Яъни, тадбиркорлар рўйхатдан ўтгандан сўнг, белгиланган тартибда тижорат банкларида тегишли ҳисоб рақамларни очишлари лозим эди.

Юртбошимизнинг "Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юриши" йиллик ҳисоботида Ўз-

бекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан жорий йилнинг 1 мартдан бошлаб юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида банк ҳисоб рақамларини масофадан туриб очиш мумкин.

Бунинг учун, Давлат хизматлари марказида тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, керакли банкни танлаш лозим. Давлат хизматларининг ҳар бири тури бўйича тасдиқланган "Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳарақатланади" тамойилига кўра, зарур ҳужжатлар ва ахборотларни тегишли тузилмалардан мустақил равишда олиниши ҳисобига соддалаштиришни назарда тутувчи маъмурий регламентлар асосида тезкор, қулай ва шаффоф услублардан кенг фойдаланилмоқда.

Умуман олганда, ҳозирги кунга қадар Бўка тумани давлат хизматлари маркази томонидан жисмоний ва юридик шахсларга 11 минг 800 дан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилди.

Дилноза АҲМЕДОВА,
Бўка тумани
Давлат хизматлари
маркази бўлим бошлиғи

«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 21 март куни чиқади.

Реклама ўрнида



“Ўзбектелеком” АК

Тошкент филиали жамоаси

Юртимиз аҳлини

Наврўзи олам

билан самимий муборакбод этади!



Наврўзи олам ўзининг файзли қадамлари билан ҳар бир оилага фаровонлик, тинчлик-осойишталик, бахту иқбол олиб келсин!

Озод ва обод Ватанимизга кўз тегмасин!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Файрат
ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг
чоршанба ва шанба
кунлари чиқади.

Электрон
почталар:
thaqiqat@mail.ru
th-tp@mail.ru

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс)
71 233-70-10
71 233-55-38
71 233-38-23, 71 233-48-08
71 233-65-59
71 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011
йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер
марказида терилди ва
сахифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА

Назоратчи мусаҳҳиҳ
Аллома АЗИЗОВА

Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ

Манзилми: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Буюртма V-3219. Баҳоси келишилган нарҳда Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 9 365 нусхада чоп этилди ISSN 2010-9318.

“ЎЗБЕКИСТОН” наشريёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 23.00.